

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ

ВА

БАХРЕЙН ДАВЛАТИ ҲУКУМАТИ

ЎРТАСИДА

ҲАВО ҚАТНОВЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ТУЗИЛГАН

Б И Т И М

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Бахрейн Давлати Ҳукумати, бундан буён "Аҳдлашувчи Томонлар" деб аталувчилар, 1944 йилнинг 7 декабрида Чикаго шаҳрида имзолаш учун очилган Халқаро Фуқаро Авиацияси Конвенциясининг қатнашчилари бўлгани ҳолда;

Ўзларининг тегишли ҳудудлари ўртасида ва ҳудудларидан ташқарида мунтазам ҳаво қатновини йўлга қўйиш мақсадида Битим тузиш истагида ва халқаро ҳаво транспортида ҳавфсизликни янада юқори даражага кўтариш истагида,

Қуйидагилар хусусида аҳдлашиб олдилар:

1-МОДДА

АТАМАЛАР

1. Агар матнда бошқа мазмун кўзда тутилмаган бўлса, ушбу Битимнинг қўлланилиши ва изоҳлари мақсадида:

- (а) "Конвенция" атамаси 1944 йилнинг 7 декабрида Чикаго шаҳрида имзолаш учун очилган Халқаро Фуқаро Авиацияси тўғрисидаги Конвенцияни англатади ва ўша Конвенциянинг 90-моддасига биноан қабул қилинган ҳар қандай Иловани, ҳар икки Аҳдлашувчи Томон учун қай даражада кучга эгалиги ва эътироф этилганлигига қараб, 90 ва 94-моддаларга биноан Конвенцияга ёки унинг Иловаларига киритилган ҳар қандай тузатишни ўз ичига олади;
- (б) "авиация маъмурлари" атамаси; Ўзбекистон Республикасининг Хукуматига нисбатан – Фуқаро Авиациясининг Бош Директорини, Бахрейн Давлати Хукуматига нисбатан – Транспорт Вазирини ёки у тайинлаган маъсул шахс, Фуқаро Авиациясининг ишларини олиб боровчи вазир муовининг ёрдамчисини, ёки ҳар иккала ҳолда юқорида ўқтириб ўтилган маъмурлар бажарадиган ишларни амалга ошириш ваколати берилган бошқа бир шахс ёки ташкилотни англатади;
- (с) "тайинланган авиакорхона" атамаси ушбу Битимнинг 4-моддасига мувофиқ тайинланган ва ваколат берилган авиация корхонасини англатади;
- (д) "тарифлар" атамаси агентлик шартларни ва бошқа қўшимча қийматларни ўз ичига олгани ҳолда йўловчилар, йўловчилар юки ва юк ташиш учун сарфланган қийматни ҳамда бу қийматлар қўлланиладиган қоидаларни англатади, бироқ почта ташиш қиймати ва шартлари бунга кирмайди.
- (ё) "ҳудуд" атамаси давлатга нисбатан Конвенциянинг 2-моддасида кўрсатиб ўтилган маъноларни англатади;
- (ф) "ҳаво қатнови", "ҳалқаро ҳаво қатнови", "авиакорхона" ва "нотижорий мақсадларда тўхташ" атамалари Чикаго Конвенциясининг 96-моддасида кўрсатиб ўтилган тегишли маъноларни англатади;
- (г) "Битим" атамаси ушбу Битимни, унинг Иловаларини ва унга киритилган тузатишларни англатади;

2. Ушбу Битимнинг моддаларига берилган номлар ушбу модда қоидаларининг маъносини ҳечбир ҳолда чегараламайди ёки кенгайтирмайди ҳам.

2-МОДДА

ЧИКАГО КОНВЕНЦИЯСИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Ушбу Битимнинг қоидалари Чикаго Конвенциясининг халқаро ҳаво қатновларига нисбатан қўлланиладиган қоидаларига бўйсунди.

3-МОДДА

ҲУҚУҚЛАРНИ БЕРИЛИШИ

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга йўналишлар жадвалида белгиланган қатновлар бўйича халқаро ҳаво қатновларининг йўлга қўйиш ва улардан фойдаланиш мақсадида ушбу Битимда кўрсатилган ҳуқуқларни беради. Мазкур қатновлар ва йўналишлар бундан буён тегишли равишда "келишилган йўллар" ва "белгиланган йўналишлар" деб аталади.
2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига белгиланган йўналишларда келишилган ҳаво қатновларидан фойдаланиш учун қуйидаги ҳуқуқлар берилади:
 - (а) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидан қўнмаган ҳолда учиб ўтиш;
 - (б) юқорида айтиб ўтилган ҳудудда нотижорий мақсадларда қўниш; ва
 - (с) халқаро ҳаво йўлларида ташилаётган йўловчиларни, юк ва почтани олиш ёки тушириш мақсадида юқорида айтиб ўтилган ҳудудда ушбу Битим Иловасида кўрсатилган манзилларда қўниш.
3. Ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган ҳеч қайси бир қоидада бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига ҳақ эвазига ёки ёлланиш йўли билан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидаги бир манзилдан иккинчи бир манзилга ташиш учун йўловчилар, юк ва почтани олиш ҳуқуқини беради деб қаралмаслиги керак.

4-МОДДА

АВИАКОРХОНАЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ВА ПАРВОЗЛАР УЧУН ВАКОЛАТ БЕРИШ

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон белгиланган нунашиллар бўшча келишилган нуллاردан фойдаланиш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Томонни ўзма тарзда хабардор қилган ҳолда бир ёки бир неча авиакорхонани тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади.
2. Бундан тайинлаш туғрисидаги хабарномани олгандан сун, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари ушбу модданинг 3-банди ва 5-модданинг 1-банди қоидаларига мувофиқ тайинланган авиакорхонага парвозларни амалга ошириш учун дарҳол тегишли рухсатномаларни берадилар.
3. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонадан у халқаро ҳаво йўлларида фойдаланиш чоғида Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ одатда ва оқилона татбиқ этиладиган қонун ва қоидаларда кўрсатилган шартларни бажаришга қодир эканлигини исботловчи далилларни талаб қилишга ҳақлидирлар.
4. Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири парвоз қиладиган авиакорхонага устунлик қилиш ва унинг устидан ҳақиқий назорат ўрнатилган ҳуқуқи авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг фуқароларига қарашли эканлигини исботловчи далилларга эга бўлмаган ҳар қандай ҳолда бошқа Аҳдлашувчи Томон ушбу модданинг 2-бандида қайд этилган рухсатномаларни беришни рад этиши ёки тайинланган авиакорхона ушбу Битимнинг 3-моддасида белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланиш чоғида бажарилиши зарур деб топилган шартларни бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.
5. Шу тарзда тайинланган ва ваколат олган авиакорхона истаган вақтда келишилган йўллاردан фойдаланишни бошлаши мумкин, башарти, ушбу Битим 9 ва 15-моддаларининг шартларига биноан қабул қилинган парвоз жадваллари ва белгиланган тарифлар шу қатновларга нисбатан кучга кирган бўлса.

5-МОДДА

ПАРВОЗЛАРГА ДОИР РУХСАТНОМАЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШ ЁКИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига берилган парвозларга доир рухсатномаларни бекор қилиш ёки ушбу Битим 3-моддасининг 2-бандида кўрсатишган ҳуқуқлардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки бундан ҳуқуқлардан фойдаланишда ўзи зарур деб билган шартларни бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади:
 - (а) авиакорхонага устун даражада эгаллик қилиш ёки ўнинг устидан ҳақиқий назорат ўрнатиш ушбу авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга ёки ўнинг фуқароларига тегишли эканлигига комил ишончда бўлмаган ҳар қандай ҳолда; ёки
 - (б) агар бу авиакорхона ўша ҳуқуқларни берган Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидаларига керакли даражада риоя қилмаса; ёки
 - (с) агар авиакорхона ушбу Битимда кўрсатиб ўтилган шартларни қандайдир сабабларга кура бажара олмаётган бўлса.
2. Агар ҳуқуқларни дарҳол бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки ушбу модданинг 1-банди шартларини бажарилишини талаб қилиш қонун ва/ёки қоидаларни бундан буён бузилишга зарурий огоҳлантириш деб топилмаса бундай ҳуқуқлардан Аҳдлашувчи Томон билан маслаҳатлашувлардан сўнггина фойдаланиши мумкин.
3. Агар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу модданинг шартларига биноан ҳаракат қилаётган тақдирда, ушбу Битимнинг 17-моддасига асосан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳуқуқларига зиён етказмаслигини инобатга олиши керак.

6-МОДДА

ФОЙДАЛАНИШ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ҚИЙМАТЛАР

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига тайёраҳо ва авиация воситаларидан фойдаланиш учун оддий ва маъқул миқдорда солиқ солишни ёки солишга рухсат бериши мумкин, башарти, бу солишлар шундан халқаро ҳаво қатновларида машғул бўлган бошқа мининг авиакорхоналарга солинадиган йиғимлардан юқори бўлмагани лозим.
2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон харажатлар соҳасида вақоатга эга бўлган ўзларининг маъмурлари ва авиация воситаларидан ва ҳаво йўлларида фойдаланувчи тайинланган авиакорхоналар, вақоатда эса, авиакорхоналар вакиллик ташкилотлари ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказилишини қўллаб-қувватлайди. Йиғимларга мўлжалланган ўзгартиришни киритишдан аввал бу ўзгартиришлар амалда қўлланилишидан олдин ўз фикрларини изҳор қилиш ҳуқуқи билан хизматлардан фойдаланувчиларга оқилона хабар бериш тақдим этилиши лозим.

7-МОДДА

БОЖХОНА БОЖЛАРИ ВА БОШҚА СОЛИҚЛАРДАН ОЗОД ҚИЛИШ

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонасининг халқаро ҳаво қатновларини амалга ошираётган ҳаво кемаси ёқилғи, мойлаш воситалари ҳамда техник анжомларининг заҳиралари, эҳтиёт қисмлар, табель асбоб-ускуналари ва тайёра заҳиралари (озик-овқат,ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари) божхона божларидан, солинадиган солиқлардан, нозирлик йиғимлардан ва бошқа солиқлардан шу ҳаво кемаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига учиб кираётган ёки у ердан жўнаб кетаётган вақтида ўзаро тегилик муносабатларига асосланган ҳолда озод қилинади, башарти, бу ашёлар ва заҳиралар қайтариб олиб кетилгунга қадар ёки ўша ҳудуднинг устидан парвоз қилиш вақтида шу ҳаво кемаси томонидан иккита ёки иккита ёки иккита қилингунга қадар ҳаво кемасида сақланиб турган бўлса.
2. Шунингдек чоп этилган чипта заҳиралари, кема хужжатлари, реклама материаллари, авиакорхонанинг хужжатлари ва йўловчиларнинг юкларига бириктириладиган ёрлиқлар ва шу авиакорхонанинг пошти ёки нишонасига эга бўлиб чоп этилган ҳар қандай материал ҳам барча импорт чекланишларидан ва йиғимлардан озод қилинади.
3. Табель асбоб-ускуналари, шунингдек, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонасининг ҳаво кемасида сақланадиган ашёлар ва заҳиралар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига ўша ҳудуд божхона маъмуриятининг рухсати билан туширилиши мумкин.

4. Юқорида зикр этилган божлардан, солиқ ва йиғимлардан озод қилиш қўйидаги буюмларга нисбатан ҳам қўлланилади, бироқ кўрсатилган хизмат учун олинадиган йиғимлар бунга кирмайди:

(а) бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида айтиб ўтилган Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли маъмурлари томонидан чекланган миқдорда ҳаво кемасининг саҳнига олинган ва бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг халқаро ҳаво йўлларида қатновларини амалга ошириш чоғида ҳаво кемасининг саҳнида ишлатилиш учун мўлжалланган тайёра заҳиралари;

(б) ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонасининг халқаро ҳаво йўлларида машғул бўлган ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш учун олиб кирилган тайёра эҳтиёт қисмлари ва табель жиҳозлари;

(с) бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонасининг халқаро ҳаво қатновларини амалга ошираётган ҳаво кемаси томонидан олинган ёқилғи ва мойлаш ашёёлари, гарчун бу заҳиралар ҳаво кема саҳнига бирон-бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида олинган бўлиб, шу ҳудуднинг устидан амалга оширилаётган парвознинг бир қисмида ишлатилиши учун мўлжалланган бўлса ҳам.

5. Ушбу модданинг 3 ва 4-бандларида қайд этилган буюмлар орқага қайтариб олингунга ёки божхона қондаларига биноан бошқа қарорини топгунга қадар божхона маъмуриятининг назорати ёки кузатуви остида жойлаштирилиши лозим.

6. Ушбу модданинг қондалари ҳар икки Аҳдлашувчи Томон ўртасида тайинланган авиакорхона ҳаво ташувларини амалга ошириш натижасида олган дёромадларига икки ҳисса солиқ солишни бекор қилиш тўғрисида махсус битим қабул қилингунга қадар кучга эга бўлади.

8-МОДДА

КЕЛИШИЛГАН ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ

1. Ҳар иккала Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига белгиланган йўналишлар бўйича келишилган ҳаво йўлларида фойдаланиш учун мақбул ва тенг имкониятлар яратиб берилади.
2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси келишилган йўللардан фойдаланиш чоғида ўзидан кейин шу йўналишдан тўла ёки унинг бир қисмидан фойдаланадиган бошқа Аҳдлашувчи Томон авиакорхонасининг манфаатига асоссиз зиён етказмаслигини назарда тутган ҳолда иш кўради.
3. Ҳеч қайси Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ёки авиакорхоналарига нисбатан ҳажмга, қатновларнинг такрорийлигига ва ушбу Битимнинг Иловаларида белгиланган бирон-бир йўналишда келишилган қатновларни амалга ошираётган ҳаво кемасининг турига тааллуқли бўлган ҳеч қандай бир томонлама чеклашларни киритаолмайди. Башарти, Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси таклиф қилаётган ва йўлга қўймоқчи бўлган қатновларни ўзи тайинлаган авиакорхонанинг келишилган ҳаво қатновларига ноодил зиён етказадиган деб топса, бу ҳолда биринчи Томон ушбу Битимнинг 16-моддасига биноан маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин.
4. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ёки авиакорхоналари ҳудудга кириш, унда яшаш ва у ерда ишга олишни тартибга солувчи бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидаларига мувофиқ ўша бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида келишилган йўллاردан фойдаланишни таъминлаб туриш учун зарур бўлган ўзларининг бошқарув, техник, бошқа ходимлардан ташкил топган ваколатхонасини ушлаб туриш ҳуқуқига эгадир.
5. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида ҳаво ташув хизматларини бевосита ёки агентлар орқали сотиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари бундай ташувларни сотишни, ва истаган шахс бундай хизматларни миллий валютада ёки бошқа эркин алмашадиган валютада сотиб олишни Аҳдлашувчи Томонларнинг валюта айирбошловини тартибга солувчи миллий қонун ва қоидаларига мувофиқ эркин амалга ошириши мумкин.

9-МОДДА

ЖАДВАЛЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг таъинланган авиакорхонаси биров-бир келишилган пулдан фонданишини бошланган календа 30 (ўттиз) кун аввал узлари тасдиқ қилинган учини жадовалларини бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларига тасдиқлаш учун тасдиқ этакди. Бундан жадоваллар уз ичига хизмат ва фойдаланадиган ҳаво кемасинини турлари турисиданги маълумотларни, учини жадовалларини ва бошқа зарур бўлган маълумотларни уз ичига олади. Бу қонда келинганис бунданги узгартиришларга ҳам тааллуқлидир. Махсус ҳолларда эса, бу муддат авиация маъмурларининг рухсати билан қисқартиришни мумкин.

10-МОДДА

СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларини, уларнинг илтимосларига биноан шартлашилган йўлларда ташувлар ҳажмини аниқлаш мақсадида оқилонан миқдорда сўраладиган даврий ва статистик маълумотлар билан таъминлаб туришлари лозим.

11-МОДДА

ҚОНУН ВА ҚОИДАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

1. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидалари бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонанинг халқаро навигацияда мангул бўлган ҳаво кемасига нисбатан шу ҳавоси кема бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига учиб кириш, унинг устидан учиб ўтиш, у ерда тўхтаб туриш ва у ердан жўнаб кетиш чоғида қўлланилади.
2. Ҳар қайси Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига ҳаво кемасида йўловчилар, экипаж, юк ҳамда почтанинг келиши ёки ундан жўнаб кетишини тартибга солувчи қонун ва қоидаларига, хусусан, кириш, эмиграция, иммиграция, божхона ва санитарияга тааллуқли бўлган қоидаларига бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига қарашли ҳаво кемаси уқтириб ўтилган ҳудудга кириб келганида, унда бўлиб турганида ва ундан жўнаб кетаётганида амал қилиши лозим.
3. Ҳеч қайси Аҳдлашувчи Томон божхона, иммиграция, карантин ва бошқа масалаларга доир қоидаларни қўллашда бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасидан шу халқаро йўлларда қатновларни амалга ошираётган ўзининг авиакорхонасини ёки бироқ-бир бошқа авиакорхонани устун қўймаслиги лозим.
4. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидан бевосита транзит орқали ўтадиган ва бу мақсад учун тайёрагоҳ ҳудудидан ажратилган жойдан четга чиқмайдиган йўловчилар соддалаштирилган назоратдан ўтадилар. Транзит йўловчиларнинг юки ва юклар божхона солиқлари ва бошқа шу сингари чиқимлардан озод қилинадилар.

12-МОДДА

ДАРОМАДЛАРНИ ЎТКАЗИШ

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида йўловчилар, почта ва юкларни ташиш орқали ишлаб топилган маблағларининг харажатларидан ортган фойда қисмини биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг амалдаги чет эл валютасининг алмаштириш қоидаларига мувофиқ ўтказиш ҳуқуқини беради.

13-МОДДА

ГУВОҲНОМА ВА РУХСАТНОМАЛАРНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бири берган, ёки ҳақиқий деб тонган, ҳамда амалда бўлган яроқлик гувоҳномалари, ваколатлар ва рухсатномаларни ушбу Битимда кўрсатилган йўналишлар ва келишилган йўллардан фойдаланиш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳам ана шу ҳужжатлар амалда бўлган вақтида ҳақиқий деб эътироф этади, башарти, бу гувоҳнома ва рухсатномалар берилишига ёки ҳақиқий деб эътироф этилишига асос бўлган талаблар Конвенцияга мувофиқ белгиланган энг кам даражага тенг ёки ундан юқори бўлса ҳам ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз фуқароларига ўзининг ҳудудидан парвозлар вақтида бошқа Аҳдлашувчи Томон берган ваколатлар ва рухсатномалар тўғрисидаги гувоҳномаларни эътироф қилишни рад этиш ҳуқуқини сақлаб қолади.
2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон авиация воситалари, авиаэкипаж, ҳаво кемаси ва тайинланган авиакорхонанинг фойдаланишига оид бошқа Аҳдлашувчи Томон белгиланган хавфсизлик талаблари борасида маслаҳатлашувлар ўтказишни талаб қилиши мумкин. Агарда бундай маслаҳатлашувлардан сўнг бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон шу соҳадаги хавфсизлик қоида ва талабларга керакли даражада риоя этмаётганлиги, Конвенцияга мувофиқ белгиланган энг кам даражаларга жавоб бераолмаётганлиги тўғрисида ҳулосага келса, бошқа Аҳдлашувчи Томон шу тўғрида ҳамда шу энг кам даражага мувофиқлаштириш зарурлиги тўғрисида хабардор бўлади. Бошқа Аҳдлашувчи Томон бу ҳолни ўзгартириш учун барча зарур чораларни кўради. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонага ёки авиакорхоналарга фойдаланиш учун берилган рухсатномаларни ва техник гувоҳномаларни бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ва уларни чеклаш ҳуқуқларини сақлаб қолади, башарти, бошқа Аҳдлашувчи Томон маълум вақт ичида зарур чоратадбирларни кўрмасалар.

14-МОДДА

АВИАЦИЯ ХАВФСИЗЛИГИ

1. Халқаро қонундан келиб чиқадиган ўзларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига мувофиқ Аҳдлашувчи Томонлар ғайриқонуний аралашув ҳатти-ҳаракатларидан фуқаро авиациясининг хавфсизлигини таъминлашга доир зиммага оладиган ўзаро мажбуриятлари ушбу Битимнинг ажралмас қисмини ташкил қилишини тасдиқлайдилар. Аҳдлашувчи Томонлар халқаро қонундан келиб чиқадиган ўз ҳуқуқларининг ва мажбуриятларининг қўлланишини чекламаган ҳолда, 1963 йил 14 сентябрда Токиода имзоланган Ҳаво кемаларида содир этиладиган жиноятлар ва бошқа баъзи бир ҳаракатлар тўғрисидаги Конвенцияга, 1970 йил 16 декабрда Гаагада имзоланган Ҳаво кемаларини ғайриқонуний равишда тутқун қилиб олишга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияга, ҳамда 1971 йил 23 сентябрда Монреалда имзоланган

Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган гайриқонуний ҳаракатлар ҳақидаги Конвенцияга мувофиқ ҳаракат қиладилар.

2. Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларининг илтимосларига кура ҳаво кемасини гайриқонуний тутқун қилишнинг бу ҳаво кемаси, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, тайёрагоҳлар ва қатновни таъминлаш воситаларига хавф туғдурувчи бошқа гайриқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг, шунингдек, фуқаро авиацияси хавфсизлигига таҳдид қилишнинг ҳар қандай кўриниши олдин олinda бир-бирларига барча зарурни ёрдамни берадилар.
3. Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро муносабатларида ўзларига маъқул келадиган даражада Фуқаро Авиацияси Халқаро Таъкилотини томонидан белгиланган ва Конвенцияга киритилган Илокаларда тавсифланган авиация хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ иш кўрадилар; улар рўйхатга олиш бўйича ҳаво кемаларининг фойдаланувчиларидан, асосий фаолият жойи ёки доимий турар жойи ўз ҳудудларида жойлашган ҳаво кемаларининг фойдаланувчиларидан ва ўз ҳудудларида жойлашган халқаро тайёрагоҳларнинг фойдаланувчиларидан авиация хавфсизлигининг юқоридаги қоидаларига мувофиқ иш кўришларини талаб қиладилар.
4. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемасидан фойдаланувчиларга нисбатан бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемаси ўз ҳудуди чегараларига кириб келаётганида, ундан чиқиб кетаётганида ёки унда бўлиб турган вақтида ушбу модданинг 3-бандида уқтирилган авиация хавфсизлигига оид қоидаларга амал қилиши мақсадида зарур талабларни қўйиши мумкин. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемаларини ҳимоя қилиш ва йўловчиларни, экипаж аъзоларини, йўловчи юки, юкларни ва тайёра заҳираларини ҳаво кемаси саҳнига олиш ёки ортиш вақтидан олдин ёки вақтида текшириш учун самарали чора-тадбирларни кўради. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг, башарти, аниқ таҳдид мавжуд бўлган ҳолда, оқилona доираларда хавфсизликни таъминлаш юзасидан махсус чора-тадбирлар кўришга доир илтимосларини ҳам ҳайрихоҳлик билан кўриб чиқади.
5. Башарти, фуқаро ҳаво кемаси тутқун қилиб олинса, ёки уни тутқун қилиш таҳдиди мавжуд бўлса, ёки ҳаво кемаси, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига тайёрагоҳлар ва қатновни таъминлаш воситаларига бошқа гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинса, Аҳдлашувчи Томонлар алоқани енгиллаштириш ва бундай кўнгилсизлик ёки таҳдидга жадал, ҳамда бешикаст барҳам беришнинг барча зарур чора-тадбирларини кўриш орқали бир-бирларига кўмак берадилар.
6. Башарти, Аҳдлашувчи Томонлардан бирон-бири ушбу модданинг авиация хавфсизлигига оид қоидалари билан келишаолмаса, ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари билан тезда маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги талабни қўйиши мумкин.

15-МОДДА

ТАРИФЛАР

1. Ҳар иккала Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари томонидан олинадиган тарифлар уларни амалда жорий қилиш тахмин қилинган кунга камида 30 (ўттиз) кун қолганда Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурларига тасдиқ учун тақдим этилиши лозим. Айрим ҳолларда бу муддат номлари зикр этилган маъмурлар томонидан қисқартирилиши мумкин.
2. Ушбу модданинг 1-бандида айтиб ўтилган тарифларларни ҳар иккала Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари бозор шарт-шароитларини назарга олган ҳолда, қуйидаги талабларга жавоб бераолиш мақсадида белгилайдилар:
 - (а) юқори ёки камситадиган тарифларни белгилашни олдини олиш;
 - (б) устунлик вазиятидан фойдаланиб тарифларни асоссиз тушириш ёки ўринсиз оширишдан харидорларни ҳимоя қилиш;
 - (с) ҳукуматнинг бевосита ёки билвосита берган субсидиялари ёки ёрдами натижасида тарифларни сунъий равишда туширишдан авиакорхоналарни ҳимоя қилиш.
3. Агарда биронта тарифни қўллаш борасида бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари норози бўлсалар, улар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларига норозилик сабабларини курсатган ҳолда ҳал ғарб берадилар.
4. Агарда Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари ушбу модданинг 1-бандига биноан тақдим қилинган бирон-бир тарифлар борасида келишаолмаган тақдирларида бу ҳақдаги музокаралар ушбу Битим 17-моддасининг қоидаларига мувофиқ ҳал қилинади.
5. Ушбу модданинг қоидаларига биноан белгиланган тарифлар янги тариф белгилангунга қадар ўз кучини сақлаб қолади.

16 МОДДА

МАСЛАХАТЛАШУВ ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. Аҳдлашувчи Томонлар ёки уларнинг авиация маъмурлари яқиндан ҳамкорлик қилиш руҳида ушбу Битим ва унинг Иловалари қоидаларининг тўғри бажарилишини ва қониқарли даражада амалга оширилишини таъминлаш нуқтаи назаридан вақти-вақти билан маслаҳатлашувлар ўтказиб турадилар.
2. Башарти, Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу Битимнинг ёки Иловаларининг айрим қоидаларини ўзгартириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, у бошқа Аҳдлашувчи Томонга маслаҳатлашув унказиш тўғрисида талабни қўйиши мумкин. Бундай маслаҳатлашув талаб тушган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун ичида бошланиши лозим.
3. Илова қилинган жадвалларга киритиладиганди ташқари ушбу Битимнинг қоидаларига киритилиши лозим деб топилган барча ўзгартиришлар Аҳдлашувчи Томонларнинг ички қонунчилик тартиботларига мувофиқ тасдиқланади ва шундай тарзда келишиб олинган ўзгартиришлар тасдиқлангани тўғрисида дипломатик ноталар билан алмашилгандан сўнг кучга киради.
4. Ушбу Битимнинг фақатгина Иловасига тегишли ўзгартиришлар Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари ўртасида бевосита келишиб олинади.

17-МОДДА

БАҲСЛАШУВЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

1. Ушбу Битимни ва унинг Иловаларини талқин қилиш ва қўллаш юзасидан Аҳдлашувчи Томонларнинг ўртасида келиб чиққан ҳар қандай низо биринчи навбатда тўғридан-тўғри музокаралар орқали ҳал қилиниши лозим.
2. Башарти, Аҳдлашувчи Томонлар музокаралар орқали муросий кела олмасалар улар бу баҳсни ҳал этишни бир шахсга ёки ташкилотга, агар булар ҳам бирор муросага кела олмаслар ҳал қилиш учун уч ҳакамдан ташкил топган Арбитраж ихтиёрига топширишлари мумкин, биттадан ҳакамни Аҳдлашувчи Томонлар тайинлайдилар ва учинчи ҳакамни икки ҳакам тайинлаши лозим. Баҳсни ҳал қилиш учун ҳакамлар ҳайъатини тайинлаш тўғрисида дипломатик каналлар орқали ёзма талаб тушган кундан бошлаб Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири 60 (олтмиш) кун ичида биттадан ҳакамни тайинлаши лозим ва учинчи ҳакам 60 (олтмиш) кунлик давр ичида тайинланиши лозим. Башарти, Аҳдлашувчи Томонлар белгиланган муддат ичида ўз ҳакамини тайинлай олмасалар ёки учинчи ҳакам белгиланган муддатда тайинланмаса, Фуқаро Авиацияси Халқаро Ташкилоти Кенгашининг Президентиға Аҳдлашувчи Томонлардан исталган бири томонидан, заруриятга қараб, ҳакамни ёки ҳакамларни тайинлаш тўғрисидаги талаб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда учинчи ҳакам учинчи давлат фуқароси бўлиб, у Арбитраж трибуналининг Президенти сифатида иш кўради.
3. Аҳдлашувчи Томонлар ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ қабул қилинган барча қарорларни бажарадилар.

18-МОДДА

БИТИМ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТУХТАТИШ

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон истаган вақтида бошқа Аҳдлашувчи Томонни ушбу Битимнинг амал қилиш муддатини тўхтатиш истагида эканлиги тўғрисида хабарнома юбориши лозим. Бундай хабарнома бир вақтнинг ўзида Фуқаро Авиацияси Халқаро Ташкилотига ҳам юборилади. Бу ҳолда ушбу Битим ўз амал муддатини бир Аҳдлашувчи Томоннинг хабарномасини бошқа Аҳдлашувчи Томон олган кундан бошлаб 12 (ўн икки) ойлик муддат ўтгандан сўнг якунлайди, агарда ўзаро келишувга асосан хабарнома шу муддат тугагунга қадар орқага қайтариб олинмаса. Башарти, бошқа Аҳдлашувчи Томон хабарнома олганининг тасдиғи бўлмаса, Фуқаро Авиацияси Халқаро Ташкилоти хабарнома олгандан сўнг 14 (ун тўрт) кун ўтгач бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тасдиғи олинган ҳисобланади.

19-МОДДА

КЎПТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР БИЛАН МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Башарти, Аҳдлашувчи Томонлар иштирокида бирон-бир кўптомонлама шартнома тузилмоқчи бўлса, ушбу Битим ва унинг Иловаси бундай шартноманинг қоидаларига мувофиқ ўзгартирилади.

20-МОДДА

И К А О Д А РЎЙХАТГА ОЛИШ

Ушбу Битим ва унга кирган ҳар қандай ўзгартиришлар Фуқаро Авиацияси Халқаро Ташкилоти (ИКАО)да рўйхатдан ўтказилиши лозим.


21-МОДДА

БИТИМНИНГ КУЧГА КИРИШИ

Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Битимнинг кучга кириши учун лозим бўлган ўзларининг тегишли ички қонунчилик тартиботларини амалга ошириб бўлганиниги тўғрисидаги хабарномани дипломатик ноталар алоқасини йўли билан бир-бирларига тақдим этган кундан бошлаб кучга киради.

Ушбунни тасдиқлаб, ўз Ҳукуматларининг тегишли ваколатига эга бўлганлар мазкур Битимни имзоладилар.

1996 йилнинг 11 декабрь да Тошкент шаҳрида ўзбек, араб ва инглиз тилларида икки нусхада имзоланди. Ҳамма матн бир хил кучга эгадир. Талқин қилишда ҳамфикирлик бўлмаган тақдирда инглиз тилидаги матн устивор деб ҳисобланади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУКУМАТИ НОМИДАН



БАХРЕЙН ДАВЛАТИ
ҲУКУМАТИ НОМИДАН

И Л О В А

ЙУНАЛИШЛАР ЖАДВАЛИ

1 ЖАДВАЛ

Ўзбекистон Республикасининг тайинланган авиакорхонаси фойдаланадиган йўналишлари:

Жўнаб кетиш манзиллари	Белгиланган манзиллар	Оралиқ манзиллар	Ташқаридаги манзиллар
1	2	3	4
Ўзбекистон	Бахрейн	Исталган манзиллар	Исталган манзиллар

2 ЖАДВАЛ

Бахрейн Давлатининг тайинланган авиакорхонаси фойдаланадиган йўналишлари:

Жўнаб кетиш манзиллари	Белгиланган манзиллар	Оралиқ манзиллар	Ташқаридаги манзиллар
1	2	3	4
Бахрейн	Ўзбекистондаги манзиллар	Исталган манзиллар	Исталган манзиллар

МУЎДҲАРИЖА

Кирини	Бетлар
1-Модда- Атаманар	1
2-Модда- Чисаго Конвенциясинини қўллашсинини	2
3-Модда- Хуқуқларини беришини	2
4-Модда- Авиақорхоналарини танишсин ва парво мар учун нақсонни бериш	3
5-Модда- Парво марга доир рухсатномаларини бекор қилиш ёки тўхтатиб қўлиш	4
6-Модда- Фойдаланиш учун белгиланган қимматлар	5
7-Модда- Бож ва бошқа солиқлардан озод қилиш	5
8-Модда- Келишилган йўллардан фойдаланиш асослари	7
9-Модда- Жадвалларни тасдиқлаш	8
10-Модда- Статистик маълумотлар билан таъминлаш	8
11-Модда- Қонун ва қоидаларни қўлланилиши	9
12-Модда- Ортиқча фойдани ўтказиш	9
13-Модда- Гувоҳнома ва рухсатномаларни эътироф этиш	10
14-Модда- Авиация хавфсизлиги	11
15-Модда- Тарифлар	12
16-Модда- Маслахатлашув ва ўзгартиришлар	13
17-Модда- Бахслашувларни ҳал қилиш	14
18-Модда- Битим амал қилишини тўхтатиш	15
19-Модда- Кўптомонлама конвенциялар билан мувофиқлаштириш	15
20-Модда- Ф А Х Т да рўйхатга олиш	15
21-Модда- Битимнинг кучга кириши	16
Илова- Йўналишлар жадвали	17